

Шоир □ □ МУХАММАД □ ИСМОИЛ □ ва □ журналист □ Хурсандбек □ Тўлабоевнинг адабий мусобаҳаси.

Шоир Мухаммад Исмоил билан ушбу мусобаҳамиз қарийб бир йиллик мулоқотимизнинг маҳсули. Шоир Тошкентда, мен Самарқандда яшаганимиз туфайли суҳбат кетма-кетлигида айрим узилишлар бўлди. Саволлар кўп ва турфа эди. Шоир, ўқувчиларни қизиқтириши мумкин деб ўйлаган саволларгагина жавоб қайтарди. Айрим саволларимиз эса жавобсиз қолди. Бу суҳбатимизнинг бироз тўмтоқлашувига олиб келди. Бунинг учун сиз азизлардан узр сўраймиз. На илож, дунёда жавобсиз қолган саволлар кўп. Зеро, мақсад барча нарса ҳақида фикр юритмоқ эмас, мақсад ўз билганларимиз ҳақидагина сўзламоқдир.

*-Мухаммад ака, сиз билан устоз ижодкорлар эришган ютуқлар ва бугунги адабий жараёнда ёшларнинг вазифалари ҳақида суҳбатлашмоқчи эдик. Улар устозларига муносиб ворис бўлаётдиларми, шахдам қадамлар билан олдинга интиляётдиларми, шу хусусда фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз?*

- Мустамлакачилик даврида адабиётимиз олдида миллатни улуғлаш, қаддини кўтариш, қадимий ва енгилмас халқ эканлигини уқтириш сингари муқаддас вазифа турарди. 1937 – йил Кодирий, Чўлпонлар отилиб кетгач, бу вазифани Ойбек домла “Навоий” романи билан, Максуд Шайхзода “Мирзо Улуғбек” драмаси билан, П. Кодиров “Бобур” романи билан, О. Ёкубов “Улуғбек ҳазинаси” романи билан, Э.Вохидов “Ўзбегим” қасидаси билан, А. Орипов “Ўзбекистон – Ватаним маним” шеъри билан баҳоли қудрат адо этдилар ва ўзбек миллатининг миллат сифатида шаклланиб қамол топишида қахрамонлик кўрсатдилар. Мустақиллик даврига келиб давр адибларимиз зиммасига янги тарихий вазифани юклади, давлатимиз жаҳон давлатлари орасида тенг ҳуқуққа эга бўлди, мезон юксалди – жаҳон адабиёти талабларига жавоб берадиган асарлар яратиш маъсулияти зиммага қўйилди. Энди дунё мамлакатимизни танигани билан, ўзбек адибларининг асарлари дунё тилларига таржима қилинмас экан, адабиётимиз танилмайди, дунё сахнасида борлиги билинмайди. Адибларимиз олдида турган биринчи вазифа – дунёга чиқиш! Бугунги кунда қайси ўзбек адибининг асари инглиз, рус, француз, испан, немис, араб тилларига таржима қилинмоқда? Бугунги кун ижодкори шу тарихий вазифани уқдалайолмас экан, миллат юксалишида қахрамонона хизматини адо этолмаган ҳисобланади. Устозларга муносиб ворис бўлиш, шахдам қадамлар билан олдинга интилиш деганда шу вазифаларни тушунишимиз керак.

*- Ўзбек адабиётида замонамиз қахрамони образи асарлар давомида қандай ёритилган ва бугунги кунда қандай ёритилмоқда?*

- Ўзбек адабиёти жуда бой ва қудратли адабиёт. “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Рустами достон” сингари буюк достонларнинг бош вазифаси - халқ улуғлиги, қуч-қудрати, мардонаворлигини кўрсатиб беришдан, ҳар бир инсонни шу қахрамондан ўрнак олишга, эргашишга ва енгилмас бўлишга ундашдан иборат эди. “Мукбил тошотар”, “Кенжа ботир”, “Донишманд чўпон”, “Маликаи Хуснобод” сингари эртақларимизни эсласак, замона қахрамони образи ўзбек адабиётида минг йилдан буён яратилиб қелаётганини кўрамиз.

Лекин бу кахрамонларни шундайича адабиётга киритсак, интеллектуал салохият асри бўлмиш ХХ1 асрда анчайин соддалик килган бўлур эдик. Хатто пўлат куювчи илгор ишчи Стахановни, “Пўлат кандай тобланди” асаридаги жангчи Павел Корчагинни, ёки учувчи Алексей Мерьесевни, ёки бирор донгдор сут соғувчини, ёки ишлаб чарчамас чўлкуварни асаримизга бош кахрамон килиб олсак адабиётни ҳам, хаётни ҳам соддалаштирган, ХХ1 аср одамларини алдашга уринган бўламиз. Хатто кечагина телеэкранлардан тушмай турган “Терминатор”, “Рембо”, “Универсал солдат” образлари тўкима, ёлгон образлар эканлиги, колаверса боскинчи, конхўр, каттол образлар эканлиги ҳаммага аён бўлиб колди. Кўпиртирилган, алдаш учун ўйлаб топилган, ясама ёлгон билан барчани лакиллатиб зўровонликка, шавкатсизликка ундайдиган, ўзини барчадан устун кўйиб, ёвузлик сари етаклайдиган кахрамонлар манфур мафкураларнинг кўгирчоклари эканлиги фош бўлиб бормокда. Биз ўз миллатимизни канчалик севмайлик, миллатимизни улуглаш зарурлигини канчалик истамайлик миллатчилик йўлидан бормаслигимиз лозимлиги барча юртдошларимиз учун аён хакикат. Динимиз ҳам бизни бундай ёлгончиликдан, уйдирмадан кайтаради.

Асарларимизнинг бош кахрамони – замонамизнинг юксак маънавий салохиятга эга кишилари – бугунги кун Навоийлари, Бобур Мирзолари, Абдулла Кодирийлари, Озод Шарофиддиновлари, Зулфиялари, Абдулла Ориповлари бўлиши керак, яъни нафакат жисмонан, маънан етук ва баркамол инсон бўлмоги лозим.

□ *Бугунги кун ёшлари ижодига кандай баҳо берасиз?*

- Холис карайман! Хамминг белгиланган тарихий вазифаси бор. Хеч ким ўз қисматидан қочиб қутулаолмайди. Тақдир насиб қилмаган бўлса, бир қатор шеър ёзолмайди. Хамма Абдулла Ориповдай бўлишни истайди. Аммо Абдулла Ориповдан бошқа хеч ким Абдулла Орипов бўлолмайди. Шунинг учун биров яхши шеър ёзолмаса, яхши ёзмабсан деб қамситмаслик керак. Ёки биров зўр шеър ёзса, ёмон деб ерга урмаслик керак. Кибр – шайтоннинг иши!

Илхом – Худодан! Худо хар бир ижодкорнинг қўнглига илхом бериб туради. Бировга кўпроқ, бировга камроқ! Одамнинг иродаси қўтарганча! Пайгамбаримиз шоирларни улуглаб шундай деганлар: “Мўмин киши хам тиги билан, хам тили( қалами) билан Оллох йўлида жиҳод қилур. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар (яъни шоирлар) отадиган ўқнинг тиги ўткиррокдир!”

Мен бугунги кун ёшларидан фавқулудда юксак асарларни қутаман. Улар миллатимизга мустамлака зулми остида ўз истеъдодларини тўла намойиш этаолмаган юзлаб буюқ адибу-шоирларимиз меросхўри сифатида нодир асарларни тухфа этадилар. Улар Абдулла Кодирий даражасида ижод қиладилар. Чунки улар бугун имом Бухорийни, Абу Хомид Газзолийни, Жалолиддин Румийни ўқимокдалар. Хакикатни юзига тик қараш керак. Ёшларимиз орасидан Ч.Айтматов, Г.Г. Маркеслар чиқиши лозим. Ёшларимиз адабиётга мана шундай ўлчов билан қириб қелишини истардим.

-*Сиз насрда хам ижод қиласиз. Насрий асарларингиздан қўнглингиз тўлмаган пайтлар бўлганми?*

- Юз метрлик марафондан югуриб, чемпион бўлган одам, тўрт километрлик марафондан чемпион бўлиши қийин. Айтмоқчиманки, икки йўналишда хам бирдай мувоффақият қозониш мушкул. Назм – ёшлик шижоатини, қалб қудратини талаб қилади, наср эса, кўпроқ аклий салохиятни, кенг қамровда фикрлашни, сабр – матонатни талаб қилади. Асосий масала хох назмда бўлсин, хох насрда бўлсин яхши асар яратишдир. Гап қайси жанрда асар ёзишда эмас, гап кандай қилиб яхши асар ёзишдадир.

Айтилиши керак бўлган сўзлар кайси жанрда ёзилса аникрок, батафсилрок чиқишига караб жанр танлайман. Айтилик, “Калбим ардоги” филъмимда бир ўзбек кизининг ор – номуси, шаъни, гурури учун бутун хаётини бахшида этган йигит киёфасини гавдалантирганман. Ва бунга жавобан шон – шухратдан ҳам, сахнадан ҳам, ўз келажагидан ҳам садокатни, вафони устун кўйган, магрур, оловкалб киз киёфасини яратганман. Шундай бўлиш кераклигини давр талаб килмокда. Хаёт талаб килмокда. Эртангги кун юксак фазилатга эга инсонларни сахнада кўришни истаиди! Хуллас, гап ижодкорнинг кайси жанрда калам тебратишида эмас, нима демокчи эканида, кандай фикрни олдинга суришида, одамлар кандай кабул килишида! Аввало фикр, гоё тугилади, фикрнинг салмоги, кўламига караб жанр танланади. - Ижодкор сифатида олдингизга кўйилган бош максад нима ?

-Бугунги кунда ок ва кора аник бўлди. Ким сўз заргари-ю, ким сўз савдогари, ким пулга хизмат килаяпти-ю, ким кўнгилга, ким хакка, ким ботилга, ким шайтонга хизмат килаяпти-ю, ким Рахмонга, хаммаси аник бўлди. Хар бир ижодкор кайси йўлдан кетаётгани аник бўлди.

Ижодкор сифатида бош вазифам – энг олий фазилатларни ўзида мужассам этган ўзбек миллати хакида бадий асар ёзиш! Бу бадий асар дунё адабиёти дурдоналари макомига кўтарилмаса вазифа адо этилмаган хисобланади.

*- Ўз адабий ўлчовларингиз борми?*

-Адабиётимиз Европа адабиёти йўлидан бориши керак. Европада юзлаб Нобель мукофоти лауреатлари бор. Осиёда, Африкада бармок билан санарли. Шунинг учун адабиётда Африканинг йўлидан бормаслик керак. Африка давлатларида адабиёт факат ўша давлат манфаатлари учун хизмат килади. Факат ўша давлат подшосининг раъйига караб фаолият кўрсатади. Махаллий манфаатлар кобигидан чикаолмайди.

Миллатчилик, элатчилик, иркчилик, махаллийчиликни таргиб килади. Умуминсоний гоёлар, оламшумул манфаатлар йўк. Инсон деган жахоний ўлчов йўк..

Миллатчилик туфайли яхудийлар исломга кирмаган, Куръони каримни тан олмаган эдилар. Натижада Оллохнинг динига дахрий бўлдилар. Дунёда барча тенг хукукка эга эканлигини таргиб этишимиз керак. Оллох таоло бир-биримиз билан танишимиз, дўстлашимиз, бир-биримизга кизикарли бўлишимиз учун бизларни турли миллат, турли элат, турли ирк вакили килиб яратди. Бир-биримиз билан уришимиз, касдлашимиз, бир-биримизни янчишимиз учун эмас.

Бир гулзорнинг гуллари турли туманлиги, рангининг турфалиги, атрининг бир-бирига ўхшамаслиги билан гўзал ва мафтункор бўлгани сингари. Агар бутун дунё гуллари бир хил рангда, бир хил хидда, бир хил андозада бўлганида бизларни оханграбо янглиг ром этаолармиди!

*-Сизнинг кўп шеърларингиз мухаббат хакида, яъни ёнимизда юрган суюкли ёрларимизга багишланган. Аммо мухаббатнинг ўткинчи эканлигига, унинг доимий эмаслигига нахотки хали икром бўлмадингиз...*

-Тўгри, кўп шеърларим мухаббат хакида. Мухаббат- бу инсоний туйгу! Агар фаришта бўлганимда кеча-ю кундуз факат Оллохни севган бўлар эдим. Лекин мен инсонман! Заиф ва ожиз томонларим кўп. Айбу-нуксонларим бисёр. Шу камчиликларим бўлишига карамай бахоли кудрат Яратганга мухаббатим бор! Инсон бўлатуриб Оллохни канча севсам бу буюклигимга шунча далолат! Инсон кадрили белгиловчи ягона ўлчов бу – мухаббат! У хох инсоний бўлсин, хох илохий!

Пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в Мадинаи мунаварада ислом динини барпо этдилар.

Нихоят Макка шаҳри таслим бўлди. Пайгамбаримиз ўз тугилиб ўсган шаҳрига катта тантана билан кириб келдилар. Ўша кун Пайгамбаримиз кавми-кариндошлар, саҳобаи икромлар, ёру-биродарлар, собиткадам мусулмонлар куршовида эдилар. Пайгамбаримиз билан бир огиз суҳбат куриш, бир нафас ёнларида бўлиш, меҳмон килиш барча барча учун бенихоя улкан шараф эди. Ўша кун Маккада Пайгамбаримизнинг уйи бўлмаганлиги сабабидан жуда кўп дўстлари менинг уйимда тунаб колсайдилар деб орзу киларди. Лекин Пайгамбаримиз Макка фатх этилган биринчи тунни кабрстонда, Хадича онамиз дафн этилган кабр бошида ўтказмокни ихтиёр этдилар. Хадича онамизни эслаб туни бўйи кўзларидан ёш тўхтамади. Бу инсоний муҳаббатнинг улкан намунаси эмасми! Пайгамбаримиз Оллохнинг севимли хабиби эдилар. Ва Оллохни Пайгамбаримиз севганчалик буюк муҳаббат билан ҳеч ким севолган эмас. Пайгамбаримиз шу билан биргаликда инсон эдилар. Ватанлари Маккаи мукаррамани севар эдилар, оналарини эслаб йиглар эдилар, Ойиша онамизни севар эдилар, саҳобайи икромларга меҳрлари зиёда эди.

Тўгри бугунги кунда муҳаббат сўзининг кадри ниҳоятда арзонлашиб кетди. Баъзилар шу муҳаббатни назарда тутиб муҳаббатга нописанд бўлаётган, - Эй, йўлдан адашган шоирлар! Нега абадул абад барҳак бўлган зот Оллохни эмас, ўткинчи ва “бевафо” ёрни мадх этмокдасиз! –дея фиғонлари фалакка кўтарилаётган бўлса ажаб эмас! Шахсан менинг айтадиган гапим шу: - Биз инсонмиз! Кўлимиздан келганча Оллохни севамиз! Шу билан биргаликда Ватанимизни, ота-онамизни, дўстларимизни, ёрларимизни севамиз! Биз шоирлар инсонлардаги шу муҳаббат туйғусини мадх этамиз! Колаверса, ҳамма ёрларни “бевафо”га чиқариб бўлмайди, вафодорлари, садокатлилари ҳам бор. Колаверса муҳаббатни ўткинчи деб бўлмайди! Ўзимиз ўткинчимиз холос! Муҳаббат туйғусига нописандлик билан караганларида Пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в. бутун дунё у кишига кулук килиб турган пайтда, Хадича онамизнинг кабрлари устида туни бўйи йиглаб тонг оттирмаган, агар бу туйғу бўлмаганида, хаётларининг сўнги кунида, сўнги нафаслари муборак таналарини тарк этаётган фурсатда Ойиша онамизнинг сийналарига бош кўйиб жон таслим килмаган бўлардилар!

- Бугуннинг долзарб мавзуси бу кайси мавзу? Шу ҳақда ҳам ўйлайсизми? Айнан кайси мавзуларни долзарб деб ҳисоблайсиз?

- Бугуннинг долзарб мавзусига кўл теккизсангиз кўл куяди, тилга олсангиз, кора кийим кийган қаргалар чўкиб кетади, гапирмасангиз юрак ёнади, хушингиз огади...

Шундай бўлсада, бугуннинг долзарб мавзуси деб, одам ўзини тарбиялашини энг долзарб масала деган бўлар эдим. Аввало, ўзинг тарбияли бўлмас экансан, сўзингга, тарбиянгга, кўтариб чиққан долзарб мавзуингга ҳеч ким муҳтож эмас. Сўзларинг ҳеч кимга таъсир килмайди. Одам масала кўтариб чиқишдан олдин, бунга маънавий ҳаққи бўлиши керак. Шахсан мен ўзини тарбиялай олмаган одамнинг жамиятни тарбиялай олишига ишонмайман. Ўз хатосини кўрмаган одамнинг ўзгалар хатоси ҳақида баҳс юритишини игвогарлик деб биламан. Ўзини тарбиялай олмаган одам, ўз конидан, жону – жаҳонидан бўлган фарзандини ҳам тарбиялай олмайди. Куш уясида кўрганини килади деб беҳуда айтишмайди. Агар одам минбарда фариштаю уйида шайтон бўлса, фарзанд ҳеч қачон отасининг минбардаги гапига кулок солмайди, отасининг уйдаги хурмача киликларидан сабоқ олади. Одам аввало, ўзини тарбиялаши, Худодан кўркиши, охиратга ишониши, пок иймон билан яшаши, ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, маърифатли ва мазмунли хаёт кечиришни мақсад килмоги лозим.

Токи ўзимиз ёзганимизга ўзимиз амал килмас эканмиз, ўзгалар амал килмайди.

Бугун бутун дунёдан ахборот окими онгимизни лиммо – лим тўлдириб турибди. Шунинг учун, бутун дунёга карата фикрларимизни айтаолишимиз, макташимиз, танкид килишимиз, хатоларини кўрсатиб беришимиз, инсониятни тўғри йўлга солиш учун интилишимиз, ўзимиз яшаб турган жамиятдан нолишимиз, адашаётгани сабаб кўкрагимизга муштраб “дод” солишимиз, махалладошларимизнинг гўрлиги учун камситишимиз, ёнимиздаги одамнинг нодонлиги учун устидан кулишимиз мумкин, аммо уларнинг хато камчиликлари бир кун тузалиши мукаррар-у, уларнинг камчиликлари тузалишидан кўра мушкулрок масала – одам ўзини тузатиши масаласидир. Биз ҳаммамиз ўзгаларга ақл ўргатишга, ўзгаларнинг камчилигини топишга уста бўлиб кетдик. Лекин, ўзимизнинг хатоларимиз уларникидан ўн чандон кўпроқ эканлигини ўйлаб кўрмаймиз. Ўзимиз мукамал зот эмаслигимиз барчага яққол кўриниб турганини англашга ҳаракат қилмаймиз. Жамиятни эмас, аввало, ўзимизни, қолаверса оиламизни тузатиб олишимиз лозимлиги ҳақида бош қотирмаймиз. Жамиятда эмас, ҳеч бўлмаганда оилада ўрناق бўлаоладиган даражага чиқдикми? Шунинг учун, ўзимга ҳам, ўзгаларга ҳам баралла айтаман: - Бугуннинг долзарб мавзуси, бугуннинг долзарб юмуши аввало ўзимизни тарбиялашдир!

- Интернет сиз учун нима, бу яхшилик воситасими, ё инсонларни йўлдан урувчи, ақлдан оздирувчи “ўргимчак тўри”ми?

- Интернет ХХ асрнинг буюк кашфиётидир! Медицинанинг, математиканинг, химиянинг, физиканинг, кашф этилиши, китоб чикариш, телевидения қандай кашфиёт ҳисобланган бўлса интернет ҳам шундай кашфиёт бўлди. Унинг яратувчиси инсониятнинг буюк даҳолари Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улугбек, Коперник, Исаак Ньютон, А. Эйнштейн сингари даҳодир!

Халқлар, элатлар, миллатлар сўз эркинлиги, фикр эркинлиги учун асрлар давомида киргинбарот урушларни бошидан кечирган. Интернет - уруш жанжалларсиз, сўз эркинлиги, мафкура эркинлиги, гоё эркинлигини берди. Хар бир инсон ўз фикри билан бутун дунёга, инсониятга, жами халқлар, одамлар, давлатларга карата фикрини баён этаоладиган қудратга эга бўлди. Яъни ўз қобилигига ўралашиб, сўзини айтаолмай, овозини чиқараолмай юрган тилсиз, ўз ичига маҳбус, ҳаммаёғи ўралган, деворлари тош - метин, қоп – қоронғуликда ҳаёт кечириб маҳкум, ҳеч қимга арзи додини, орзу – умидларини, фикру – ўйларини айтаолмай ҳуқуқсизлик гирдобиди қолиб кетган, жаҳолат, ожизлик, ночорлик қулига айланган, ўз қулдорининг, ҳуқуқдорининг қизигидан қикмайдиган, қақат унинг гоёси учун яшайдиган, унинг фикри учун, манманлиги учун жонини қурбон қилишга маҳкум бўлган ва бошқача бўлиши мумкинлигини тасаввур қилаолмайдиган инсон учун, ўзлигини унутган, асрлар давомида қақат монархларнинг, яққоқимларнинг, императорларнинг, мустамлақачиларнинг ягона байроғи остида мутъеларча қўл қовуштириб турган, миллатни миллатдан айирган, халқни халқдан, одамларни одамлардан айирган, шоҳу – султонларнинг адоқсиз манфаати учун сарсон саргардон бўлган одамларнинг хар – бири учун ақл зақоват инқилоби юз бериб, тараккиётнинг бу инқилоби туфайли инсоннинг қўлига ўз фикри, ўз инсоний қиёфасини, ўзлигини топиб берувчи ёруғлик дарчаси, ҳурлик байроғи, инсонлик шаҳодатномаси теғди. Бу сўзлар залворини, бу тухфаннинг юқсақ аҳамиятга эга эканлигини болалиги, ёшлиги мустамлақа даврида қечган бизнинг авлод, бугунги қун болаларидан кўра қуқуррок тушуниши, ҳаққонийлигига тезрок қақолат бериши табиий. Лекин, бу дегани интернет бизда бошқа жойлардагидан кўра қақрлирок дегани эмас. Дунёда ўз эрки, озодлиги, ҳурлиги учун қурашаётган халқлар, давлатлар жуда қўп. Интернет –

авваломбор мазлумларнинг, эркисларнинг, хўрланганларнинг куролидир! Интернет – хали жуда хам катта маънавий инкилобларга бешик бўлади! Шунингдек, интернетни фахш куроли, миллатчилик, жаҳолат, экстремизм куролига айлантираётганлар хам бор. Шуни яхши билиш кераки, машина деворга бориб урилса, айб деворда ёки машинада бўлмайди, айб хайдовчида бўлади. Интернет хам худди автомобилга ўхшайди. Ундан ёмон ниятда фойдаланилар экан, айб интернетда эмас, бузук ниятдадир! Автомашиналар юз йиллар давомида инсониятга канча хизмат килган бўлса, юкини канча енгиллаштирган, тараккиётга, юксалишга, одамлар орасини яқинлаштиришга канча хизмат килган бўлса, умид киламизки интернет хам юз йиллар мобайнида шу даражада самарали хизмат килади!

*- Хар бир инсоннинг камол топишида китобнинг ўрни бекиёс. Юкорида интернет хакида анчайин кизгин фикрлар билдирдингиз. Ёшларимиз китоб сари эмас, айнан интернет сари интилаётганларини қандай баҳолайсиз?*

-Китоб – инсоният яратган энг улкан мўъжизалардан бири! Гутенберг жаноби олийлари бу мўъжизаларни кўп нусхада чоп этишни йўлга кўйгандан кейин хам, у ўз сеҳрини, оханграбосини йўкотмади, аксинча оммавийлашди, одамларга кўпроқ мафаати тегадиган бўлди, инсониятни улкан тараккиёт сари бошлади, маънавий хаётида инкилоб ясади. “Китоб” – араб тилидаги “мактуб” сўзидан олинган. Куръони карим хам Оллох таолонинг ўз бандаларига юборган мактуби! Шунингдек хар бир ёзувчи китоб ёзар экан, аслида ўқувчиларига мактуб ёзади. Олайлик, Абдулла Кодирий бобомизнинг “Ўтган кунлар” романи хар биримизга атаб ёзилган нома! Кенг камровдаги хат! У хам сиёсий, хам ижтимоий, хам маънавий, хам адабий, хам одоб-ахлоқдан таълим берувчи, тилшуносларга тил фанидан сабоқ берувчи, тарихчиларга тарих фанидан дарс берувчи мактубдир!

Бу китоб бутун бир халкка, шунингдек хар биримизга юборилган мактубдир! Шахсан мен китобдаги сўз ўйинларидан, жумлаларнинг биллурдай жилоланишидан, мавжланиб оккан дарё сувининг пўртаналари сингари, сўзларнинг зеболаниб товланишидан, юракни завку-шавкка тўлдириб, хайратга солишидан лол қоламан.

Шу билан биргаликда, ўз тугилиб ўсган юрти, Ватани, миллати мустамлакачилар кўлида колган, кийналиб оху-фарёд кўтараётган пайтда бир ўзбек зиёлиси, бир ўзбек ёзувчиси айтиши шарт бўлган хамма гапни, хамма исённи, барча норозиликларни, барча каршиликларни улкан маҳорат билан, улкан калб билан, буюк тафаккур билан ушбу китоби оркали айтаолди.

Китоб – шундай мўъжиза эканки, унинг ўрнини ҳеч нарса эгаллайолмади. Театр чикди. Одамлар осонгина томоша килиб кўяқоламиз дейишди. Лекин театр китоб ўрнини босаолмади. Газета чикди. Радио чикди. Лекин улар хам чанкокни кондираолмади. Телевидение оммалашиб кетди. Лекин, одамлар яна китобга кайтишди. Кино чикди. Хамма ўзини кинога урди. Кейин англаб етишдики, олайлик биргина “Ўтган кунлар” романи юз серияли кино килинса хам, китоб ўрнини босолмас экан. Худди арава отдан ўтолмаганидек! Интернет чикди. Хамма ўзини интернетга урди. Худди янги урф(мода) чикканда хамма ўзини шу урфга ургандек. Аминманки, интернет ахборот куроли, тараккиётнинг илгор меваси! Лекин у хам китоб ўрнини босолмайди.

Театр хам, газета хам, кино хам, интернет хам китоб ракобатчилари эмас, улар бари китобнинг болалари, набиралари, эвара, чевараларидир! Уларнинг хаммаси шу китоб деган буюк бободан таркалган уруг-аймоқлардир! Китоб деган улкан хазинадан чиккан жавахирлардир!

Буюк француз шоири Стефан Малларме: “Аслини олганда, одамзот биргина гўзал китобнинг дунёга келиши учун яшайди” – деган эди.

Ха, хар бир кунимиз, хар бир соатимиз, замонамизнинг хар бир дакикаси буюк бир китобдир! Бизнинг вазифамиз ушбу китобни яратмок ва авлодларга йўлламоқдир! Токи бу китоб Тангри таоло олдида хам, келажак авлод олдида хам кечирган хаётимизнинг шаходат дафтари бўлиб колсин!

- *Кўпгина асарларингизга разм солиб нигохингиз кўкка караганини гувоҳи бўламиз. Осмон сиз учун нима? Кўкка бу қадар кўп кўз тикишнинг бирор сир асрори борми? Сиз учун самода нималар яширинган?*

-Хакикатдан хам бир неча асарларимнинг номи осмонга боглик:”Янги ой чиккан кеча”, “Ой чикмаган окшом”, “Юлдузлари куйган тун”, “Мохинур”, “Осмон тўла орзулар”, “Еру-осмон оралигида”...

Инсон хаёти Ерга канча боглик бўлса, Осмонга хам шунча богланган. Инсонни Ер кўтариб туради, Ерни эса Осмон... Осмоннинг эса Эгаси бор.

Кўпинча, юрагим сикилганида Осмонга карайман. Осмонда муаллак сузиб юрган Она – Сайёрамиз сўнгсиз коинотга сочилган миллиард – миллиард зарраларнинг биттаси-ку, бизнинг умримиз миллион – миллион йиллик абадият олдида, бир лахза-ку, жонимиз эрта тонгда майсазор баргига омонат кўнган шудринг томчиларидай, куёш чиккач, енгил эпкин сингари учиб хаволаниб абадул – абадга осмон сари кўтарилади-ку, фасллар кўз олдимизда алмашаётгани сингари, авлодлар алмашаяпти, одамлар алмашаяпти, хаёт янгиланаяпти, ўзгараяпти, хеч нарса жойида туриб колган эмас, хеч ким хеч нарсага эга эмас, хеч ким хеч нарсага хукмронлик килаолмайди, денгиз устидаги мавжлар канчалик тез ўзгариб, алмашиб турса, хаёт хам, унинг конун – коидалари хам шу қадар тез – тез алмашиб туради, йўклик қаърига сингиб кетади, ўрнига янги мавжлар пайдо бўлади ва бир сониядан кейин улар хам йўк бўлади, факат Яратганнинг, Еру – Осмонларнинг ягона Эгасининггина айтганлари абадул – абад экан, нега бўйсунмаймиз, нега кулок солмаймиз, нега назар солмаймиз, нега жонимизни асраш илинжида яшаймиз, нега мукаррар халокатни назар – писанд килмай бўйин тавламок пайида бўламиз, холбуки хар бир сониямиз хисоб – китобда, хар бир босган кадамимиз, хар бир олган нафасимиз, хар бир ўйлаган ўйимиз, хар бир караган назаримиз, хар бир шахдимиз-у, кўзлаган максадимиз хисоб – китобда экан, хар бири учун жавоб беришимиз мукаррар экан, нега кўпрок яхши натижа сари эмас, шарофат сари эмас, халокат сари интиламиз, нега бош максадимизни олдиндан белгилаб олмаймиз, нега халоват сари эмас, кабохат сари интиламиз дея ўйлайман ва ўзимни тузатишга, кўнглимни тўгри йўлга бошлашга, хаётимни тўгри ўзанга буришга, ўз – ўзимга насихат килиб, ўзимга инсоф тилаб, адашмаслигим кераклигини хар дакика ўзимга уктириб ва хар дакика, калбимнинг коинот кенгликлари сингари чексиз – чегарасиз сархадларида хам мени асрашини сўрайман, юкоридан пастга кулаб кетаётган одам, ёлвориб сўрагандай, мен хам зориллаб, ёлвориб, овозим борича “дод” солиб, йиглаб, инграб сўрайман! Мен осмонга Осмоннинг Эгаси борлиги, у барчамизнинг эгамиз эканлиги учун карайман, кул эгасига итоаткорона шавкат кутиб карагандай карайман! Еру – Осмонларда муаллак сузиб юрганлигимизни унутмаслик учун карайман! Осмон - Оллох даргохининг сомон йўлларида хам поёнсизрок остонасидир!

- Сермазмун ва марокли сухбатингиз учун ташаккур! Сог бўлинг! Келгуси ижодий ишларингизга барака тилаймиз!

